



ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШ МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ
МИЛЛИЙ МАЛАКА ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИНСТИТУТИ

**ИШЧИ КАСБЛАРНИНГ
ТАРМОҚ ТАРИФ-МАЛАКА
МАЪЛУМОТНОМАЛАРИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ БЎЙИЧА
УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАР**



2025

ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШ МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ
МИЛЛИЙ МАЛАКА ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ИНСТИТУТИ

ИШЧИ КАСБЛАРНИНГ ТАРМОҚ ТАРИФ-
МАЛАКА МАЪЛУМОТНОМАЛАРИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ БЎЙИЧА УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАР

Тошкент – 2025

Ишчи касбларнинг тармоқ тариф-малака маълумотномаларини ишлаб чиқиш бўйича услубий тавсиялар. – Миллий малака тизимини ривожлантириш институти. 2025, 40 бет.

Мазкур услубий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 30 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси миллий малака тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-345-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 октябрдаги «Касбий таълимда малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва халқаро таълим дастурларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-158-сон фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 17 июндаги «Ўзбекистон Республикаси миллий малака тизимини тартибга солишга қаратилган айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги ВМ-369-сон қарорларида белгиланган вазифалар ижросини сифатли таъминлаш, шунингдек, касбий малакаларни ривожлантириш бўйича тармоқ кенгашлари қамрови доирасидаги ташкилот ва корхоналарида Ишчи касбларнинг тармоқ тариф-малака маълумотномаларини ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш, қўллаш ва янгилаш жараёнларини услубий таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Ушбу услубий тавсиялар Миллий малака тизимини ривожлантириш институтининг Илмий кенгашида 2025 йил 18 сентябрдаги 9-сонли мажлис баёни билан тасдиқланган.



МУНДАРИЖА

1-БОБ.	УМУМИЙ ҚОИДАЛАР	6
2-БОБ.	ТТММНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ	7
3-БОБ.	ХАЛҚАРО ТАЖРИБА	8
4-БОБ.	ТТММНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ	10
5-БОБ.	МАЛАКА РАЗРЯДЛАРИ ДИАПАЗОНИ ВА УЛАРНИ БЕЛГИЛАШ ТАРТИБИ	14
6-БОБ.	ТТММ ТУЗИЛМАСИ ВА ТАРКИБИ	24
7-БОБ.	РАСМИЙЛАШТИРИШ УЧУН ТАЛАБЛАР	26
	Иловалар	27
	Фойдаланилган адабиётлар	36

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу Услубий қўлланма Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 30 сентябрдаги ПҚ-345-сон «Ўзбекистон Республикаси миллий малака тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2024 йил 16 октябрдаги ПФ-158-сон «Касбий таълимда малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва халқаро таълим дастурларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 17 июндаги ВМ-369-сон «Ўзбекистон Республикаси миллий малака тизимини тартибга солишга қаратилган айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. Қўлланма ишчи касбларнинг тармоқ тариф-малака маълумотномалари (кейинги ўринларда – ТТММ) ишлаб чиқиш тартибини, асосий бўлимларининг тузилиши ва мазмунини белгилайди.

1.3. Ушбу қўлланмадан тармоқ кенгашлари, ишчи гуруҳлар, экспертлар ҳамда малака стандартлари ва тармоқ тариф-малака маълумотномаларини тайёрлаш билан шуғулланувчи тегишли ташкилотлар фойдаланадилар.

ТТММНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

2.1. ТТММ – Касбий малакаларни ривожлантириш бўйича тармоқ кенгашлари (кейинги ўринларда – Тармоқ кенгашлари) тасарруфидаги корхона ва ташкилотлар (кейинги ўринларда – Ташкилот) фойдаланиши учун мажбурий тартибдаги тармоқ меъёрий ҳужжати ҳисобланади.

2.2. ТТММ қуйидаги вазифаларни бажаради:

корхона ва ташкилотлардаги ишчи ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари, бурчлари ва жавобгарлигини мустаҳкамлайди;

ишчи касб эгалари учун малака разрядлари, иш турлари, вазифалар ва малака талабларига оид аниқ маълумотларни белгилайди;

меҳнат жараёнларини тартибга солишда ягона меъёрий асосни таъминлайди.

2.3. ТТММнинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

ишчи касбларнинг малака разрядларини ягона тартибда белгилаш;

корхона ва ташкилотларда иш ҳақини адолатли ва тизимли асосда тартибга солиш;

меҳнат унумдорлигини ошириш;

меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаш.

2.4. ТТММни ишлаб чиқишда қуйидаги манбалар асос қилинади:

- O'zMeSt 641:2025 Машғулотларнинг миллий классификатори (ММК-2025);

- тегишли касбий стандартлар (КС).

2.5. ТТММ Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида, лотин алифбосида тайёрланади. Зарурат туғилганда, унинг рус ва инглиз тилларига таржимаси амалга оширилиши мумкин.

Россия.

Россия амалиётида ишчи касблари учун **Ягона тариф-малака маълумотномаси** меҳнат муносабатларини тартибга солишда асосий норматив-услубий ҳужжат ҳисобланади. Ягона тариф-малака маълумотномаси давлат томонидан тасдиқланиб, барча мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотларда иш турларини тарификация қилиш, ишчи ходимларга малака разрядларини бериш ва меҳнатга ҳақ тўлаш тизимларини белгилашда ягона асос сифатида қўлланилади.

Ягона тариф-малака маълумотномаси тармоқлар кесимида алоҳида нашрлар (выпуски) қўринишида тайёрланади. Ҳар бир нашрда иш турлари ва уларнинг тавсифи, ишларни бажариш шароитлари, қўлланиладиган технологиялар, малака разрядлари бўйича вазифа ва талаблар, шунингдек ишларни тарифлаш мезонлари қамраб олинади.

Ягона тариф-малака маълумотномасининг ҳуқуқий мақоми Россия Федерацияси Меҳнат кодексининг 143-моддасида мустаҳкамланган бўлиб, унинг қоидалари иш турларини баҳолашда, ишчи ходимларга разрядлар тайинлашда, меҳнатга ҳақ тўлаш тизимларини ишлаб чиқишда ва иш жараёнларини стандартлаштиришда қўлланилади.

Россия тажрибасида ягона тариф-малака маълумотномаси иш берувчилар ва ходимлар учун умумий меъёрий асос сифатида хизмат қилади. У меҳнат бозорида касбий малака ва разрядларнинг ягона мезонларини белгилайди, ишчи касбларига қўйиладиган талабларни шаффоф ва аниқлаштирилган тарзда таъминлайди ҳамда меҳнат муносабатларини самарали тартибга солишга хизмат қилади.

Қозоғистон.

Қозоғистонда ишчи касблари учун **Ягона тариф-малака маълумотномаси** меҳнат муносабатларини тартибга солишнинг асосий норматив-услубий ҳужжати ҳисобланади. Ягона тариф-малака маълумотномасининг мақоми ва қўлланиш тартиби Қозоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2015 йил 21 декабрдаги 982-сон буйруғи билан тасдиқланган **“Ягона тариф-малака маълумотномасини ишлаб чиқиш, қайта кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва қўллаш тартиби тўғрисидаги қоидалар”** орқали белгилаб қўйилган. Меҳнат кодексига ҳам ягона тариф-малака маълумотномасининг ҳуқуқий асоси мустаҳкамланган.

Ягона тариф-малака маълумотномаси меҳнат соҳасида ваколатли орган томонидан тасдиқланади ва ҳар бир нашри (выпуск) иқтисодиёт тармоқлари бўйича ишлаб чиқилади. У тегишли касб ва иш турлари бўйича малакавий тавсифларни ўз ичига олади ва Қозоғистон Республикасининг расмий ҳуқуқий маълумотлар портали — **Adilet** орқали эълон қилинади.

Қозоғистон амалиётида ягона тариф-малака маълумотномаси саккиз разрядли тариф сеткаси (восьмиразрядная тарифная сетка) билан уйғун ҳолда қўлланилади. Ҳар бир иш тури ва касб бўйича разрядлар даражаси, уларга қўйиладиган малака талаблари ва иш шароитлари аниқ белгилаб берилади.

Ягона тариф-малака маълумотномасининг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- иш турлари ва касблар бўйича ягона талабларни белгилаш;
- ишларни тариф-малакавий таснифлаш ва ходимларга разряд беришда мажбурий асос сифатида қўлланиш;
- саккиз разрядли тариф сеткасига уйғун ҳолда иш ҳақини белгилашда ягона норматив асос сифатида хизмат қилиш.

Шу тариқа, Қозоғистонда ягона тариф-малака маълумотномаси меҳнат бозорида кадрлар малакасини баҳолаш, иш ҳақини адолатли белгилаш ва меҳнат муносабатларини стандартлаштиришнинг марказий воситаси ҳисобланади.

4.1. ТТММ Тармоқ кенгашлари ташаббуси билан ишлаб чиқилади ва уларнинг буйруғи билан тасдиқланади.

Тармоқлараро касблар учун ТТММ тегишлилиги бўйича масъул Тармоқ кенгашлари ҳузуридаги ишчи гуруҳлар томонидан ишлаб чиқилади.

ТТММ ишлаб чиқиш жараёнида қонун ҳужжатлари, давлат стандартлари, ММК-2025, Миллий малака рамкаси (ММР), Тармоқ малака рамкалари (ТМР) ва касбий стандартлар асос қилиб олинади.

4.2. Ишчи гуруҳни шакллантириш:

Ишчи гуруҳ — Тармоқ тариф-малака маълумотномасини (ТТММ) ишлаб чиқиш жараёнида тўғридан-тўғри амалий фаолиятни бажарадиган орган бўлиб, **унинг асосий вазифаси** касбий стандартлар, миллий классификаторлар ва меҳнат бозори талаблари асосида ишчи касблари учун малака разрядлари, вазифалар ва талабларни аниқ белгилашдан иборат.

Ишчи гуруҳ таркибига Тармоқ кенгаши вакиллари, иш берувчилар, кадрлар/HR, меҳнат муҳофазаси, санитар-гигиена, соҳа мутахассислари, ҳуқуқшунослар ва заруратга қўра таълим/илмий тадқиқот муассаса вакиллари киритилади;

Ишчи гуруҳ раиси, котиби ва аъзоларининг вазифалари буйруқ (баённома) билан тасдиқланади;

Ишчи гуруҳ фаолиятини календар режа ва топшириқлар рўйхати (Техник топшириқ) асосида амалга оширади.

4.3. Эксперт комиссияси:

Эксперт комиссияси — ТТММни ишлаб чиқиш жараёнида ишчи гуруҳ тайёрлаган лойиҳани ҳолис ва мустақил тарзда экспертизадан ўтказиш, унинг сифатини, ҳуқуқий асосланганлигини ва меҳнат бозори талабларига уйғунлигини таъминлайдиган орган ҳисобланади.

Комиссия таркиби – Тармоқ кенгаши вакиллари, меҳнатни меъёрлаш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, сифатни таъминлаш, кадрлар/HR, Касаба уюшмаси, иқтисодчи ва меҳнатга ҳақ тўлаш мутахассислари, ҳуқуқшунослар, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги мутахассислари, иш берувчилар ва корхоналар вакиллариларидан тузилади. Комиссияни, қоида тариқасида, Тармоқ кенгаши раиси бошқаради.

4.4. Ишлаб чиқиш босқичлари

Тайёрлов босқичи – иш режаси ва техник топшириқ ишлаб чиқилади, ишчи гуруҳ шакллантирилади.

Маълумот тўплаш – ишчи касблар рўйхати, уларнинг коди ва номи ММК-2025га

мувофиқ аниқланади, иш жараёни таҳлил қилинади.

Дастлабки лойиҳа – малака разрядлари диапазони, меҳнат вазифалари, билим ва кўникмалар тавсифи ишлаб чиқилади.

Ички муҳокама – ишчи гуруҳ ва Тармоқ кенгаши доирасида муҳокама қилинади.

Жамоатчилик муҳокамаси – лойиҳа рақамли платформада эълон қилинади ва манфаатдор томонларнинг таклифлари қабул қилинади.

Экспертиза – эксперт комиссияси томонидан экспертизадан ўтказилади ва хулоса тайёрланади.

Келишув ва маъқуллаш – Тармоқ кенгаши хулоса асосида лойиҳани маъқуллайди ва Миллий малака тизимини ривожлантириш институти (кейинги ўринларда – Институт) ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига (кейинги ўринларда – Бандлик вазирлиги) билан келишади.

Тасдиқлаш ва жойлаштириш – Тармоқ кенгаши қарор билан тасдиқлайди, ТТММ миллий малака тизимининг рақамли платформасига жойлаштирилади.

4.5. Манбалар ва асослар

ТТММ ишлаб чиқиш қуйидаги манбалар ва асосларга таянади:

ММК-2025 – касблар коди ва номи;

ММР – малака даражалари ва тавсифлари;

ТМР – соҳа ва фаолият хусусиятлари;

Касбий стандартлар – меҳнат функциялари ва компетенциялар;

– Иш жараёни таҳлили – технологик жараёнлар, асбоб-ускуналар ва меҳнат муҳофазаси талаблари.

4.6. Тасдиқланган ТТММнинг қўлланилиши

Тасдиқланган ТТММ тармоқдаги барча корхона ва ташкилотлар учун мажбурий ҳисобланади. У ишчи касбларга малака разрядлари бериш, иш ҳақини тарификация қилиш, таълим дастурлари ва малака баҳолаш мезонларини шакллантиришда асосий меъёрий ҳужжат сифатида қўлланилади.

ТТММ амалда қўлланилиши натижалари Институт ва Бандлик вазирлиги томонидан мониторинг қилинади ҳамда зарурат туғилганда янгиланади.

4.7. ТТММни ишлаб чиқишда иштирок этувчи асосий субъектлар ва уларнинг ваколатлари.

Касбий малакаларни ривожлантириш бўйича тармоқ кенгашлари:

соҳавий ташаббускор сифатида ТТММ лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этади;

ишчи гуруҳ(лар)ни шакллантиради, тармоқ бўйича экспертларни жалб қилади;

лойиҳани ички муҳокама ва жамоатчилик билан масофавий/анъанавий муҳокамадан ўтказиши

муҳокамадан ўтган лойиҳани Институт ва Бандлик вазирлигига келишиш учун тақдим этади;

келишувдан ўтган лойиҳа тармоқ кенгаши томонидан тасдиқланади;

тасдиқланган ТТММ миллий малака тизимининг рақамли платформасига жойлаштирилади.

Иш берувчилар ва уларнинг бирлашмалари:

ТТММ лойиҳаси учун касблар кесимида реал иш жараёнлари, функциялар ва компетенциялар бўйича маълумотлар тақдим этади;

ТТММ лойиҳасини такомиллаштириш бўйича таклиф ва эътирозларини беради, апробацияда иштирок этади;

тасдиқланган ТТММни амалиётда қўлланилишини таъминлайди.

Касаба уюшмалари.

ишчи ходимлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳисобга олиш мақсадида ТТММ лойиҳаларини кўриб чиқади;

меҳнат шароити, хавфсизлик ва ижтимоий кафолатларга оид таклифларни киритади.

Таълим муассасалари ва малакани мустақил баҳолаш марказлари:

- ТТММдаги талабларни таълим дастурлари ва баҳолаш мезонларига уйғунлаштириш бўйича таклиф беради;

- касбий стандартлар ва натижага йўналтирилган таълим ўртасида мувофиқликни таъминлашда ҳамкорлик қилади.

Ваколатли орган (Институт ва/ёки Бандлик вазирлиги):

- ТТММга ягона услубий асосда ишлаб чиқиш тартибини белгилайди;

- ТТММ лойиҳаларини келишувдан ўтказди;

- ТТММнинг амалда қўлланилишини мониторинг қилади ва зарурат туғилганда янгилаш ташаббуси билан чиқади.

ТТММ бўйича услубий қўлланмалар ишлаб чиқади, шаблон ва макетлар тайёрлайди, ўқув-амалий семинарлар ташкил этади.

4.8. Жамоатчилик муҳокамаси. Тармоқ кенгаши лойиҳани расмий веб-саҳифа ёки ягона рақамли платформада жойлаштириб, манфаатдор томонлардан таклиф ва эътирозларни қабул қилади. Келиб тушган таклифлар таҳлил асосида ТТММ лойиҳасига тегишли ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Лойиҳа касаба уюшмалари, иш берувчилар бирлашмалари ва таълим ташкилотлари билан муҳокама қилинади.

4.9. ТТММни келишиш. Муҳокамадан ўтган ТТММ лойиҳаси Институт ва Бандлик вазирлиги билан келишилади. Лойиҳани ўрганиш ва келишиш жараёни 10 иш куни ичида амалга оширилади. ТТММ лойиҳаси Институт ва Бандлик вазирлиги билан келишилгандан сўнг Тармоқ кенгаши томонидан тасдиқланади.

4.10. ТТММни тасдиқлаш. Ваколатли орган(лар) билан келишилган ТТММ лойиҳаси Тармоқ кенгашининг йиғилиш баёни ёки буйруғи билан расмий тасдиқланади. Расмий тасдиқланган ТТММ нинг қоғоз ва электрон шакли (*.pdf) Институтга Миллий малака тизимининг ягона рақамли платформасига жойлаштириш (параллель равишда ташкилотнинг расмий веб-сайти ёки бошқаларга жойлаштирилиши мумкин) учун тақдим этилади ва расмий эълон қилинади.

4.11. Жорий этиш ва назорат. ТТММ ишчи касбларига оид малака разрядларни белгилаб берувчи норматив-услубий ҳужжат (давлат миқёсида ягона стандарт) сифатида мулкчилик шаклидан қатъи назар барча ташкилотларда жорий этилади ва мажбурий ҳисобланади. Институт ва Бандлик вазирлиги ТТММдан фойдаланиш ҳолатини мониторинг қилади, услубий ёрдам кўрсатади.

Тармоқ кенгашлари амалиётдан келиб чиққан ҳолда янгилаш бўйича таклифлар киритиб боради.

4.12. Янгилаш. Технологик, ташкилий ва қонунчиликка киритилган ўзгаришлар, меҳнат бозори тенденциялари ҳамда манфаатдор томонлар таклифларидан келиб чиқиб, ишчи гуруҳ томонидан ТТММ белгиланган тартибда қайта кўриб чиқилади. Ўзгаришлар версиялар кўринишида қайд этилади ва қайта эълон қилинади.

4.13. Ваколат ва масъулиятларни тақсимлаш (RASCI)

Асосий ишлар	Тармоқ кенгаши	Ишчи гуруҳ	Эксперт комиссияси	Институт/Бандлик	Иш берувчи	Қасаба уюшмаси	Таълим/Малакани баҳолаш маркази	Платформа
Ташаббус ва Техник топшириқ	R	C	C	C	C	C	C	I
Маълумотларни тўплаш	C	R	I	I	S	C	S	I
Лойиҳа (v1.0)	C	R	I	I	C	C	C	I
Ички муҳокама	A	R	C	I	C	C	C	I
Жамоатчилик муҳокамаси	A	R	C	C	C	C	C	S
Экспертиза	C	C	R	C	C	C	C	I
Тасдиқлаш	R	I	C	I	I	I	I	I
Келишув	A	I	I	R	I	I	I	I
Жойлаштириш/Версиялаш	I	I	I	C	I	I	I	R
Қўллаш	A	I	I	I	S	C	I	I
Мониторинг	A	R	C	R	C	C	C	S
Янгилаш/Версиялаш	A	R	I	I	C	C	C	R

Изоҳ: R — масъул (Responsible), A — жавобгар (Accountable), S — қўлловчи (Support), C — маслаҳатлашувчи (Consulted), I — хабардор қилинади (Informed).

4.14. Низоларни ҳал этиш.

ТТММни ишлаб чиқиш, келишиш ва жорий этишда юзага келган баҳс-мунозаралар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

МАЛАКА РАЗРЯДЛАРИ ДИАПАЗОНИ ВА УЛАРНИ БЕЛГИЛАШ ТАРТИБИ

1. Умумий қоидалар

5.1. Малака разрядлари – меҳнат шароитларидан қатъи назар, ишнинг мураккаблик даражасига қараб белгиланадиган ва ишчи касб эгасининг касбий тайёргарлик даражасини акс эттирадиган кўрсаткичдир.

5.2. Малака даражаси – вертикал йўналишда умумий касбий ривожланиш босқичини англатса, малака разряди – горизонтал йўналишда шу даража ичидаги маҳорат ва тажрибанинг мураккаблик даражасини белгилайди.

Ишчи касблари учун белгиланган малака разрядлари тариф сеткасидаги тариф разрядларига интеграция қилинади. Бу боғланиш орқали ишчи малакаси ва меҳнат мураккаблиги иқтисодий жиҳатдан – иш ҳақи миқдорини аниқловчи асосий мезон сифатида – тизимли равишда баҳоланади.

5.3. Тариф разряди – меҳнат мураккаблиги ва ходим малакасига қараб иш ҳақини белгилайдиган иқтисодий кўрсаткич.

5.4. Тариф сеткаси – тариф разрядлари ва уларга мос тариф коэффицентлари тизими.

5.5. Малака разрядлари диапозони (кейинги ўринларда – МРД) – муайян касб бўйича энг паст ва энг юқори малака разрядлари оралиғини белгилайди.

МРД – ММК-2025да акс эттирилади ва унга мувофиқ белгиланади. МРДга ўзгартириш киритиш Ташкилот томонидан тегишли Тармоқ кенгашига расмий тарзда тақдим этилади, Тармоқ кенгаши эса ушбу таклифни кўриб чиқиб, ваколатли орган (Институт ва Бандлик вазирлиги)га расмий мурожаат сифатида киритилади.

Ишчи касблар асосан ММР ва ТМРнинг 1–5 малака даражаларини қамраб олади. Бу босқичлар амалий кўникмалар устувор бўлган касбий фаолият турларига тааллуқли ҳисобланади.

1-жадвал. Малака разрядларининг тавсифи

Малака разряди	Тавсиф
1-малака разряди	Кўникмалар: Содда ва такрорий ишларни бириктирилган иш ўргатувчи (инструктор) ёки масъул тажрибали ишчи назорати остида бажаради. Иш жараёнларига ёрдамчи сифатида жалб этилади. Рақамли кўникмалар: Асосий рақамли воситалардан фақат содда вазифаларни бажаришда фойдаланади. Билиши керак: ишга оид йўриқномалар, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик қоидалари, санитария-гигиена ва ички меҳнат тартиби қоидалари. Малака разряди учун оралиқ талаблар: оддий иш кўрсатмаларини тушуниш ва бажариш; оддий асбоб-ускуналардан фойдаланиш; меҳнат муҳофазаси ва хавфсизликнинг асосий қоидаларини билиш; камида 3 ойлик стажировкани муваффақиятли ўташ. Баҳолаш мезонлари: Суҳбат ёки иш жараёнидаги назорат орқали баҳолаш.
2-малака разряди	Кўникмалар: Оддий ишларни мустақил бажаради, асосий технологик операцияларни эса иш ўргатувчи ёки масъул тажрибали ишчи кўрсатмалари асосида амалга оширади. Рақамли кўникмалар: Асосий рақамли воситалар ёрдамида оддий вазифаларни бажаради, оддий маълумотлар базасини ярата олади. Билиши керак: Ишни бажаришга оид зарур билимлар,

	технологик операциялар, материаллардан фойдаланиш қоидалари, йўриқномалар, санитария-гигиена, меҳнат муҳофазаси, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидалари, ички меҳнат тартиби қоидалари. Малака разряди учун оралиқ талаблар: – содда иш жараёнларини мустақил бажариш; – асосий иш ускуналари ва материаллар билан ишлаш; – технологик кўрсатмаларга риоя қилиш; – камида 6 ойлик иш тажрибасига эга бўлиш. Баҳолаш мезонлари: – ёзма ва амалий имтиҳонни муваффақиятли топшириш; – амалиёт жараёнида стандартларга мос иш сифатига эришиш.
3-малака разряди	Кўникмалар: Мураккаб бўлмаган ишларни технологик талаблар ва иш ҳужжатларига мувофиқ мустақил бажара олади. Рақамли кўникмалар: Иш жараёнида рақамли интерфейслар билан ишлай олади ва рақамли қурилмалар билан боғлиқ оддий муаммоларни мустақил ҳал эта олади. Билиши керак: Ишни тўлиқ ва сифатли бажаришга оид зарур билимлар, норматив ва технологик ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилиги, соҳавий қонун ҳужжатлари ва тегишли қарорлар, меҳнат ва ишлаб чиқариш нормалари (хизмат кўрсатиш, хомашё, энергия сарфи ва сифат), йўриқномалар,

	санитария-гигиена, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидалари ҳамда ички меҳнат тартиби қоидалари. Малака разряди учун оралиқ талаблар: – муайян мураккабликдаги иш операцияларини тўлиқ мустақил бажара олиш; – асбоб ва ускуналардан аниқ ҳамда тўғри фойдаланиш; – стандарт технологик талабларни тўғри қўллаш; – камида 1 йиллик иш тажрибасига эга бўлиш. Баҳолаш мезонлари: – ёзма ва амалий имтиҳонни муваффақиятли топшириш; – амалий имтиҳонда технологик жараённи тўлиқ ва тўғри бажариш ёки стандарт бўйича ишни бажариш қобилиятини намойиш этиш.
4-малака разряди	Кўникмалар: Ўрта даражадаги мураккаб ишларни технологик талаблар, меъёрий ҳужжатлар ва хавфсизлик стандартларига мувофиқ мустақил бажаради. Жамоада масъул сифатида иш фаолиятини ташкил этиши ва мувофиқлаштириши мумкин. Рақамли кўникмалар: Ишлаб чиқаришдаги рақамли қурилмалар билан самарали ишлайди. Билиши керак: Технологик чизмалар, ишни тўлиқ ва сифатли бажаришга оид зарур билимлар, норматив ва технологик ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилиги, соҳавий қонун ҳужжатлари ва тегишли қарорлар, меҳнат ва ишлаб чиқариш нормалари, йўриқномалар, санитария-гигиена, техника

	ва ёнғин хавфсизлиги қоидалари, ички меҳнат тартиби қоидалари. Малака разряди учун оралиқ талаблар: – ўрта даражадаги мураккаб иш жараёнларини бажариш; – технологик чизмалар ва йўриқномалардан фойдаланиш; – иш жараёнидаги муаммоларга амалий ечим топиш; – камида 2 йиллик иш тажрибаси. Баҳолаш мезонлари: – ёзма ва амалий имтиҳон; – иш натижаларининг портфолиоси; – ўрта даражадаги мураккаб технологияларни бошқаришга оид сертификат (агар малака оширилган бўлса).
5-малака разряди	Кўникмалар: Мураккаб ишлар ва операцияларни юқори аниқликда ҳамда технологик талаблар, сифат ва хавфсизлик стандартларига мувофиқ мустақил бажара олади. Қурилмаларга ташхис қўйиб, созлай олади, техник нуқсонларни бартараф эта олади. Жамоавий иш жараёнида техник ечимлар таклиф эта олади. Рақамли кўникмалар: Ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқаришда ишлатилаётган рақамли қурилмаларни бошқара олади.
	Билиши керак: Мураккаб технологиялар тузилиши ва уларнинг ишлаш принциплари, ишни тўлиқ ва сифатли бажаришга оид зарур билимлар, норматив ва

	технологик ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилиги, соҳавий қонун ҳужжатлари ва тегишли қарорлар, меҳнат ва ишлаб чиқариш нормалари, йўриқномалар, санитария-гигиена, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидалари ҳамда ички меҳнат тартиби қоидалари. Малака разряди учун оралиқ талаблар: – мураккаб ва юқори аниқлик талаб қиладиган ишларни бажара олиш; – асбоб-ускуналарни созлай олиш ва қурилмаларни мустақил таъмирлай олиш; – жамоада етакчи сифатида муаммоларни еча олиш; – камида 3 йиллик иш тажрибасига эга бўлиш. Баҳолаш мезонлари: – ёзма ва амалий имтиҳонни муваффақиятли топшириш. – иш натижаларининг портфолиосини тақдим этиш; – мураккаб технологияларни бошқаришга оид сертификат (агар малака оширган бўлса).
6-малака разряди	Кўникмалар: Юқори даражадаги ишларни ва мураккаб технологик операцияларни бажара олади, техник ҳужжатларга асосланган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнларини оптимал ташкил этади. Мураккаб қурилмаларни мустақил таъмирлай олади. Технологик жараёнларга инновацион ечимлар таклиф қила олади. Рақамли кўникмалар: Ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқаришда ишлатилаётган

	жараёнларини оптимал ташкил этади. Мураккаб қурилмаларни мустақил таъмирлай олади. Технологик жараёнларга инновацион ечимлар таклиф қила олади. Рақамли кўникмалар: Ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқаришда ишлатилаётган рақамли қурилмаларни қайта дастурлай олади. Билиши керак: Юқори мураккаб технологик жараёнлар, ишни тўлиқ ва сифатли бажаришга оид зарур билимлар, норматив ва технологик ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилиги, соҳавий қонун ҳужжатлари ва тегишли қарорлар, меҳнат ва ишлаб чиқариш нормалари, йўриқномалар, санитария-гигиена, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидалари ҳамда ички меҳнат тартиби қоидалари. Малака разряди учун оралиқ талаблар: – юқори даражадаги мураккаб технологик операцияларни бажара олиш; – технологик жараёнларни назорат қилиш ва такомиллаштириш; – янгича иш усулларини жорий қилиш; – камида 4 йиллик иш тажрибасига эга бўлиш. Баҳолаш мезони: – ёзма ва амалий имтиҳонни муваффақиятли топшириш. – иш натижаларининг портфолиосини тақдим этиш;
--	---

	– юқори даражадаги мураккаб технологияларни бошқаришга оид сертификат (агар малака оширган бўлса).
7-малака разряди	Кўникмалар: Ихтисослашган, ноанъанавий ёндашув талаб қиладиган ўта мураккаб вазифаларни бажаради. Қурилмаларга аниқ ташхис қўяди, нуқсонларни бартараф этади, ишлаб чиқариш жараёнларида сифат назоратини амалга оширади. Жараённи техник жиҳатдан лойиҳалаштиради, янги дизайнлар таклиф этади. Жамоада маслаҳатчи ва етакчи ишчи сифатида ҳаракат қилади. Рақамли кўникмалар: Ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқаришда ишлатиладиган рақамли қурилмаларда мураккаб операцияларни бажаради. Билиши керак: Ихтисослашган технологик жараёнлар, ишни тўлиқ ва сифатли бажаришга оид зарур билимлар, норматив ва технологик ҳужжатлар,, Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилиги, соҳавий қонун ҳужжатлари ва тегишли қарорлар, меҳнат ва ишлаб чиқариш нормалари, йўриқномалар, санитария-гигиена, техника ва ёнгин хавфсизлиги қоидалари, ички меҳнат тартиби қоидалари. Малака разряди учун оралиқ талаблар: – ихтисослашган, ноанъанавий ёндашув талаб қиладиган ўта мураккаб операцияларни бажариш; – ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш, лойиҳалаш ва рақамли технологиялар асосида

	бошқариш кўникмасига эга бўлиш; – камида 5 йиллик иш тажрибаси. Баҳолаш мезонлари: – ёзма ва амалий имтиҳон; – иш натижаларининг портфолиоси; – ихтисослашган мураккаб технологияларни бошқаришга оид сертификат (агар малака оширилган бўлса).
8-малака разряди	Кўникмалар: Ўта мураккаб, стратегик, ноёб ва хавфли (масалан, ядровий объектлар, авиация ва космик техника деталлари, нефть-газ саноати учун қувур ва идишлар ишлаб чиқаришда ишловчилар) вазифаларни бажара олади. Жамоаларга етакчилик қилади. Рақамли кўникмалар: Ишлаб чиқаришда энг замонавий автоматлаштирилган рақамли тизимлар, замонавий технологиялар, сунъий интеллект (AI, робототехника, Саноат-4.0) билан ишлай олади. Билиши керак: Саноатдаги ўта мураккаб ва хавфли жараёнлар, ишни тўлиқ ва сифатли бажаришга оид зарур билимлар, норматив ва технологик ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилиги, соҳавий қонун ҳужжатлари ва тегишли қарорлар, меҳнат ва ишлаб чиқариш нормалари, йўриқномалар, санитария-гигиена, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидалари ҳамда ички меҳнат тартиби қоидалари. Малака разряди учун оралиқ талаблар:

	– мураккаб, стратегик ўта аҳамиятли ва хавфли вазифаларни бажара олиш; – ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш, лойиҳалаш ҳамда рақамли технологиялар асосида бошқариш кўникмасига эга бўлиш. – камида 6 йиллик иш тажрибаси Баҳолаш мезони: – иш натижаларининг портфолиосини тақдим этиш; – ёзма ва амалий имтиҳонни муваффақиятли топшириш; – мураккаб, стратегик ўта аҳамиятли ва хавфли технологияларни бошқаришга оид сертификат (агар малака оширган бўлса).
--	--

5.6. Разрядлар ўртасидаги иш стаж интервалини қисқартириш – истисно ҳолларда амалга ошириладиган тартиб бўлиб, вакансия мавжудлиги ёки юқори разрядли меҳнатга эҳтиёж ҳақида бўлим раҳбарининг талабномаси асосида малака комиссияси томонидан кўриб чиқилади ва унинг ҳулосасига кўра, қонунчилик ҳамда ТТММ талабларига зид бўлмаган ҳолда иш берувчи буйруғи билан расмийлаштирилади.

5.7. Тегишли малака разрядларига мос равишда назарий ва амалий билим даражасига қўйиладиган махсус талаблар билан бир қаторда, ҳар қандай разряддаги ишчи қуйидаги умумий билимларга эга бўлишини иш жойида талаб этилиши лозим:

- иш жойида ишни ташкил этиш тамойиллари;

- бажариладиган ишнинг технологик жараёни, қўлланиладиган асбоб-ускуналар ва инвентарларни техник эксплуатация қилиш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш қоидалари;

- иш жараёнида сарфланадиган материаллар меъёрлари ва улардан самарали фойдаланиш қоидалари;

- иш сифатига қўйиладиган норматив талаблар;

- хавфсиз ва санитария-гигиеник иш услублари, техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари;

- ишлаб чиқариш йўриқномалари, ички меҳнат тартиби ва интизом қоидалари.

5.8. Зарурат туғилган ҳолларда, айрим ишчи касблари учун тариф-малака тавсифига тармоқ корхоналарида айнан шу разряд доирасида бажариладиган иш турлари ва вазифаларнинг намунавий рўйхати киритилиши мумкин.

Ушбу қўшимча рўйхат умумий меъёрий тавсифнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмайди, балки уни корхона фаолияти ва иш шароитига мослаштирилган аниқ мисоллар билан тўлдиради.

6.1. ТТММ – ишчи касбларига қўйиладиган малака талабларини, разрядлар бўйича иш тавсифини ва баҳолаш мезонларини белгиловчи асосий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади. Унинг тузилмаси қуйидагича шакллантирилади:

Умумий қоидалар.

- ТТММнинг мақсади, қўлланиш соҳаси;
- Асосий норматив-ҳуқуқий манбалар;
- ТТММдан фойдаланувчилар.

Асосий қисм.

Касб номи (алифбо тартибида).

Ишчи касб номи ва коди (ММК-2025 асосида).

Ишнинг умумий тавсифи (ММК-2025 2-бўлим “Маҳсулотларнинг миллий классификаторидаги гуруҳларнинг тавсифи” қисмидаги бажариладиган вазифалар ва муайян касбнинг асосий мақсади, йўналиши ҳамда бажариладиган асосий меҳнат жараёнлари, меҳнат шароити ва техника хавфсизлиги).

Малака талаблари:

- касбнинг малака даражаси (ММК-2025 га мувофиқ);
- касбнинг малака даражасига эришиш йўллари (ММРга мувофиқ);
- малака разрядлари диапазони (ММК-2025га мувофиқ);
- малака сертификати (ишга кириш истагида бўлган талабгор, агар у малака даражасини тасдиқловчи расмий ҳужжат (диплом)га эга бўлмаса, лекин норасмий (информал) таълим ёки амалий тажрибага эга бўлса, унинг малакасини расмий тан олиш учун аккредитациядан ўтган Малакани баҳолаш

марказида баҳолатиб, тегишли малака даражаси учун малака сертификати тақдим этиши талаб этилади);

- малака паспорти (Агар иш жойига юқори малака разрядига эга ишчи талаб қилинаётган бўлса, тегишли малака разрядига эга эканлигини тасдиқловчи ҳужжат- малака паспорти талаб этилади);

- иш стажи (вакант иш жойидаги ишнинг мураккаблигига қараб, иш стажи талаб этилиши мумкин).

Тариф-малака тавсифи (малака разрядлари диапазонида кўра):

кўникмалар – ишчи бажара оладиган амалий ишлар ва операциялар тоифаси;

рақамли кўникмалар – замонавий рақамли қурилмалар ва дастурий воситалардан фойдаланиш қобилияти;

билиши керак – иш жараёнида зарур бўлган назарий билимлар ва меъёрий-ҳуқуқий асослар;

малака разряди учун оралиқ талаблар – ишчи касб эгаси белгиланган малака разрядидан кейинги разрядни олиш учун бажариши лозим бўлган минимал шартлар ва мезонлар;

баҳолаш мезонлари – амалиёт, имтиҳон, иш стажи ва ҳ.к.;

“Умумий қоидалар” тармоқдаги ҳар бир соҳа учун алоҳида тайёрланса, “Асосий қисм” барча тармоққа тегишли касблар учун алоҳида ишлаб чиқилади.

7.1. ТТММ умумий ҳолда қуйидаги қоидаларга мувофиқ расмийлаштирилади:

Титул варағини қуйидагилар кўрсатилади:

ТТММни тасдиқлаган Тармоқ кенгашининг тўлиқ номи;

ТТММ нинг тўлиқ номи;

ТТММнинг тасдиқлаш санаси.

Титул варағининг орқа томонида (ёки иккинчи варақда – бир томонлама нашр қилинганда):

- Тармоқ кенгашининг номи, ТТММни келишиш тўғрисидаги баённоманинг санаси ва рақами;

- ТТММни келишиш тўғрисида Институт ва Бандлик вазирликлари хатларининг санаси ва рақами;

- ТТММ ишлаб чиқувчилар тўғрисидаги маълумотлар саҳифанинг охирида кўрсатилади (фамилияси, исми, лавозими) кўрсатилади.

7.2. ТТММ саҳифалари сарлавҳа саҳифасидан бошлаб кетма-кет рақамланади. Саҳифа рақамлари ҳар бир рақамнинг пастки чап қисмида кўрсатилади.

7.3. ТТММ матни Calibri шрифтида, 14 кегел, битта сатр оралиғида ёзилади. Қисмларнинг номлари 14 кегелдан иборат қалин кўринишида (жирное выделение) амалга оширилади. Жадвал ичидаги матн: сарлавҳалар 12 кегелда, бошқа матн 14 кегелда.

7.4. Китоб кўринишидаги (книжная ориентация) саҳифа тартиби чегаралари билан: ўнг – 15 мм, чап – 30 мм, юқори ва пастки – 20 мм.

Ишчи касбларнинг тармоқ тариф-малака
маълумотномаларини ишлаб чиқиш бўйича
услубий тавсияларга 1-илова

Намуна

ҚУРИЛИШ, УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВА ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ
САНОАТИ СОҲАЛАРИДА КАСБИЙ МАЛАКАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
БЎЙИЧА ТАРМОҚ КЕНГАШИ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Қурилиш, уй-жой коммунал хўжалиги ва
қурилиш материаллари саноати соҳаларида
касбий малакаларни ривожлантириш бўйича
тармоқ кенгаши раиси

_____ 2025 йил

ИШЧИ КАСБЛАРНИНГ ТАРМОҚ ТАРИФ-МАЛАКА МАЪЛУМОТНОМАЛАРИ
1-НАШР

Тошкент 2025

Қурилиш, уй-жой коммунал хўжалиги ва қурилиш материаллари саноати соҳаларида касбий малакаларни ривожлантириш бўйича тармоқ кенгашининг Ишчи касбларнинг тармоқ тариф-малака маълумотномалари 1-нашрини келишиш ____йил _____ даги ____-сон мажлис баёни билан тасдиқланган.

Келишилди:

Миллий малака тизимини ривожлантириш институтининг ____ йил ____даги
_____-сон хати

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг ____ йил ____даги
_____-сон хати

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

ТТММнинг мақсади ва қўлланиш соҳаси

Қурилиш, уй-жой коммунал хўжалиги ва қурилиш материаллари саноати соҳалари учун ишлаб чиқиладиган Тармоқ тариф-малака маълумотномаси (кейинги ўринларда – ТТММ) соҳадаги ишчи касблар учун малака разрядлари, меҳнат вазифалари, малака талаблари ва иш турларини белгилаш орқали меҳнат муносабатларида ягона меъёрий асосни таъминлайди.

ТТММнинг асосий мақсади – соҳадаги ишчи касбларнинг малака разрядларини ягона тартибда белгилаш, қурилиш ва уй-жой коммунал хизматларида иш ҳақини адолатли ва тизимли асосда тартибга солиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, қурилиш материаллари саноатида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ва касбий малакаларни ривожлантиришга хизмат қилишдан иборат.

ТТММ қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

- ишчи касбларига малака разрядлари беришда;
- меҳнат ҳуқуқлари, бурчлари ва жавобгарлик чегараларини аниқлашда;
- таълим дастурлари ва малака баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишда;
- меҳнат бозорида ишчи касбларининг талаб ва таклифини тартибга солишда.

Асосий норматив-ҳуқуқий манбалар

ТТММ қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар негизида ишлаб чиқилади ва қўлланилади:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 30 сентябрдаги 345-сон «Ўзбекистон Республикаси миллий малака тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 октябрдаги 158-сон «Касбий таълимда малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва халқаро таълим дастурларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 17 июндаги 369-сон «Ўзбекистон Республикаси миллий малака тизимини тартибга солишга қаратилган айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори

- O'zMSt 641:2025 – Машғулотларнинг миллий классификатори (ММК-2025);
- Миллий малака рамкаси ва Қурилиш соҳасига оид Тармоқ малака рамкалари;
- соҳавий касбий стандартлар, қурилиш меъёрлари ва қоидалари (ҚМК), ҳамда давлат стандартлари.

ТТММдан фойдаланувчилар

Қурилиш, уй-жой коммунал хўжалиги ва қурилиш материаллари саноати соҳаларида ишлаб чиқиладиган ТТММдан қуйидаги субъектлар фойдаланадилар:

- Қурилиш ташкилотлари ва пудратчи корхоналар;
- Уй-жой коммунал хўжалиги ташкилотлари;
- Қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар;
- Иш берувчилар ва уларнинг соҳавий бирлашмалари;
- Ишчи касб эгалари;
- Касаба уюшмалари;
- Касбий таълим муассасалари ва ўқув марказлари;
- Малакани баҳолаш марказлари (МБМ).

Ишчи касбларнинг тармоқ тариф-малака маълумотномаларига киритилган ишчи касбларнинг алфавит тартиби

А

Архитектура деталларини тайёрловчи

Б

Безакли сувоқлар ва ёпиштириладиган буюмлар қайта тикловчиси

Г

Гипсдан орнаментлар ва архитектура элементларини тайёрловчи уста

Д

Декоратив ишлар сувоқчиси

Е

...

Ишчилар касбларининг тармоқ-тариф маълумотномаси учун намуна

Сувоқчи

1. Касбнинг расмий номи ва коди: 71230009 – Сувоқчи

2. Ишнинг умумий тавсифи: Биноларнинг ички ва ташқи юзаларини тайёрлайди, турли турдаги сувоқ қопламаларини қўллайди. Девор, шифт ва фасадларни текислайди, тайёрлайди ва архитектуравий кўринишини таъминлайди.

3. Малака талаблари:

3.1. Малака даражаси: 3 (ММР ва ТМРга мувофиқ).

3.2. Малака даражасига эришиш йўллари:

- бошланғич профессионал таълим;

- ўрта махсус таълим;

- умумий ўрта таълим + норасмий (информал) таълим ёки амалий тажриба.

3.3. Малака разрядлари диапазони: 2-6 (ММК-2025 га мувофиқ белгиланади).

3.4. Малака сертификати: Сувоқчи касбига ишга кириш истагида бўлган талабгор, агар у малака даражасини тасдиқловчи расмий ҳужжат (диплом)га эга бўлмаса, лекин норасмий (информал) таълим ёки амалий тажрибага эга бўлса, унинг малакасини расмий тан олиш учун аккредитациядан ўтган Малакани баҳолаш марказида баҳолатиб, 3 малака даражаси учун малака сертификати тақдим этиши талаб этилади.

3.5. Малака паспорти: Агар иш жойига юқори малака разрядига эга ишчи талаб қилинаётган бўлса, иш жойида тегишли малака разрядига эга эканлигини тасдиқловчи малака паспорти талаб этилиши мумкин.

3.6. Иш стажи:

Агар ишчи энди касбга киришаётган бўлса, у одатда 2-разряддан бошлайди.

2-разряд – ишга қабул қилишда стаж талаб этилмайди;

3-разряд – камида 1 йиллик иш стажи;

4-разряд – камида 2 йиллик иш стажи;

5-разряд – камида 3 йиллик иш стажи;

6-разряд – камида 4 йиллик иш стажи.

Разрядлар ўртасидаги иш стажи интервалини қисқартириш истисно ҳолларда бўлим раҳбарининг талабномасига асосан, вакансия ёки юқори разрядли ишчи кучига эҳтиёж мавжуд бўлган ҳолларда, қонунчилик ҳамда ТТММ талабларига мувофиқ малака комиссияси хулосаси ва иш берувчи буйруғи билан амалга оширилади.

4. Тариф-малака тавсифи (малака разрядлари диапазонида кўра):

Сувоқчи 2-малака разряди.

Кўникмалар: Оддий сувоқ ишларини бажара олади: юзаларни тайёрлайди (чангдан тозалаш, намлаш, праймер суриш), аралашмаларни тайёрлайди ва ишчига узатади. Қурилиш майдонида тайёрлов ва ёрдамчи вазифаларни мустақил бажара олади.

Рақамли кўникмалар: Планшет ёки смартфон орқали оддий иш ҳисоботини кирита олади. Юза ўлчамини ҳисоблашда калькулятор ва содда қурилиш иловаларидан фойдаланади. Асосий лазер ўлчов асбоблари кўрсаткичларини тўғри ўқишни билади.

Билиши керак:
сувоқ ишларининг оддий турлари бўйича асосий йўриқномалар ва технологик қоидаларини;

сувоқ аралашмалари ва материаллардан фойдаланиш тартибини;
сбоб-ускуналар ва инвентарларнинг содда турларидан фойдаланиш қоидаларини;

меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги ва санитария-гигиена қоидаларини.

Малака разряди учун оралиқ талаблар:

- асосий технологик жараёнлар ҳақида бошланғич билим;
- жамоада ишлай олиш;
- меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик қоидаларига амал қилиш;
- камида 6 ойлик иш тажрибаси.

Баҳолаш мезонлари:

- ёзма ва амалий имтиҳон;
- амалиёт жараёнида кўрсатилган стандартларга мос иш сифатини таъминлаш.

Сувоқчи 3-малака разряди.

Кўникмалар: Девор ва шифтларни текислаш бўйича оддий ва ўрта мураккабликдаги сувоқ ишларини мустақил бажара олади. Юзага биринчи ва иккинчи қатлам сувоқ қопламасини қоплай олади. Пардозлаш машиналари билан ишлай олади. Шпаклёвка ишларида иштирок этади.

Рақамли кўникмалар: Лазер нивелир ва электрон рулеткалар билан ишлай олади. Планшет орқали қурилиш майдонида берилган техник топшириқ ва йўриқномаларни очиб, уларга мувофиқ ишлай олади. Материал сарфини ҳисоблаш учун қурилишга оид мобил иловалардан фойдаланади.

Билиши керак:

- девор ва шифтларни сувоқлашда қўлланиладиган технологик жараёнлар ва иш ҳужжатларини;

- сувоқлашда ишлатиладиган аралашмалар, қопламалар ва шпаклёвкаларнинг асосий турлари ҳамда уларнинг хоссаларини;

- асбоб-ускуналар ва механизация воситалари билан ишлаш қоидаларини;
- сифат стандартлари ва технологик йўриқномаларни;
- меҳнат қонунчилиги, меҳнат муҳофазаси, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларини;

- ички меҳнат тартиби ва ишлаб чиқариш нормаларини.

Малака разряди учун оралиқ талаблар:

- оддий ва ўрта мураккабликдаги сувоқ ишларини бажара олиш;
- техник ҳужжатлар билан ишлай олиш;
- сифат стандартларини билиш;
- камида 1 йиллик иш тажрибаси.

Баҳолаш мезонлари:

- ёзма ва амалий имтиҳон;
- юзани текислаш сифати ва тезлигига қараб баҳолаш
- оддий ва ўрта мураккабликдаги сувоқ ишларини бажара олиш бўйича малака ошириш сертификати (агар мавжуд бўлса).

Сувоқчи 4-малака разряди.

Кўникмалар: Ўрта даражадаги мураккаб сувоқ ишларини бажара олади (катта майдонларда текис сувоқ, бир неча қатламларни бажара олади). Турли типдаги аралашмалар (цементли, гипсли, оҳак) билан ишлай олади. Жамоа ичида масъул ишчи сифатида ишни мувофиқлаштиришга жалб қилиниши мумкин.

Рақамли кўникмалар: Автоматлаштирилган сувоқ қурилмалари (станциялар, насослар)ни электрон бошқарув панеллари орқали ишга туширади ва назорат қилади. Лазер асбоблари ёрдамида девор ва шифтларни текислиги аниқлигини таъминлайди. Объектда бажарилган ишлар ҳақида электрон журнал ёки мобил платформа орқали ҳисобот топширади.

Билиши керак:

- ўрта даражадаги мураккаб сувоқ ишларининг технологик жараёнлари ва қопламаларни қўллаш услубларини;
- цементли, гипсли ва оҳакли аралашмаларнинг тайёрланиши ва ишлатилиши қоидаларини;
- технологик чизмалар ва йўриқномалар билан ишлаш тартибини;
- сифат ва хавфсизлик стандартлари ҳамда уларни назорат қилиш усулларини;
- асбоб-ускуналар ва автоматлаштирилган қурилмалардан фойдаланиш қоидаларини;
- меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги ва санитария-гигиена қоидаларини.

Малака разряди учун оралиқ талаблар:

- ўрта даражадаги мураккаб сувоқ ишларини бажара олиш;
- ишга оид техник ва технологик ҳужжатларни билиш;
- сифат ва хавфсизлик назоратини таъминлай олиш;
- камида 2 йиллик иш тажрибаси.

Баҳолаш мезонлари:

- ёзма ва амалий имтиҳон;
- амалий имтиҳон орқали катта майдонда сувоқ ишини бажариш;
- иш натижаларининг портфолиоси;
- ўрта даражадаги мураккаб сувоқ ишларини бажара олиш бўйича малака ошириш сертификати (агар мавжуд бўлса).

Сувоқчи 5-малака разряди.

Кўникмалар: Мураккаб сувоқ ишларини мустақил бажара олади: декоратив сувоқ, фактурали қопламалар, орнаментларни ўрнатиш ва уларга ишлов беришни бажара олади. Юқори аниқликдаги текислаш ва юза тайёрлаш ишларини амалга ошира олади. Жамоавий иш жараёнида техник ечимлар таклиф қилиш ҳуқуқига эга.

Рақамли кўникмалар: Қурилиш жараёнларини режалаштириш ва назорат қилиш учун рақамли платформалар (масалан, MS Project, Primavera, BIM Viewer)дан фойдалана олади. Юза дизайн ва фактураларни моделлаш учун CAD дастурлари ёрдамида ҳисоблаш ва визуализация қила олади.

Билиши керак:

- декоратив сувоқ ва фактурали қопламаларни қўллаш технологиясини;
- орнаментлар ва архитектуравий элементлар билан ишлаш қоидаларини;

- юқори аниқликда сувоқ ишларини бажариш учун зарур технологик ҳужжатлар ва сифат талабларини;
- қурилиш жараёнларини режалаштириш ва назорат қилишда қўлланиладиган рақамли платформалар ва CAD дастурлари асосларини;
- асбоб-ускуналарни созлаш ва уларга хизмат кўрсатиш қоидаларини;
- меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва ёнғин хавфсизлигига оид норматив ҳужжатларни.

Малака разряди учун орилик талаблар:

- мураккаб сувоқ ишларини мустақил бажара олиш;
- юқори аниқликдаги текислаш ва юза тайёрлашни амалга ошира олиш;
- камида 3 йиллик иш тажрибаси.

Баҳолаш мезонлари:

- ёзма ва амалий имтиҳон;
- амалий имтиҳонда мураккаб декоратив юза тайёрлаш;
- иш натижаларининг портфолиоси;
- мураккаб сувоқ ишларини бажара олиш бўйича малака ошириш сертификати (агар мавжуд бўлса).

Сувоқчи 6-малака разряди.

Кўникмалар: Юқори даражадаги мураккаб сувоқ ва шпаклёвка ишларини бажара олади, жумладан архитектурали нақшли элементлар ва декоратив безакларни ярата олади. Турли услубдаги (классик, модерн ва ҳ.к.) декоратив сувоқлар, фактурали ишлов берилган қопламалар тайёрлай олади. Қийин ва мураккаб геометрик конструкцияларга қопламалар қоплай олади. Жамоада етакчи ишчи сифатида маслаҳат ва кўрсатмалар бера олади.

Рақамли кўникмалар: BIM (Building Information Modeling) тизимлари орқали объект юзаларини лойиҳалаш ва назорат қилишда иштирок этади. Автоматлаштирилган сувоқ машиналари, роботлаштирилган қурилиш қурилмаларини рақамли интерфейслар орқали бошқаради. Объектнинг рақамли паспортлари ва иш жараёнларини электрон ҳужжат айланмаси тизимида юритади.

Билиши керак:

юқори даражадаги мураккаб сувоқ ва шпаклёвка ишлари, шу жумладан архитектурали нақшли элементлар ва декоратив безаклар тайёрлаш технологиясини;

турли услубларда (классик, модерн ва ҳ.к.) декоратив қопламалар ва мураккаб юзаларга ишлов бериш қоидаларини;

қийин ва мураккаб геометрик конструкцияларда сувоқ қопламаларини қўллаш усулларини;

автоматлаштирилган сувоқ машиналари ва роботлаштирилган қурилмалар билан ишлаш қоидаларини;

ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш ва инновацион ечимларни жорий қилиш тамойилларини;

меҳнат қонунчилиги, соҳавий қонун ҳужжатлари ва тегишли қарорлар, санитария-гигиена, техника ва ёнғин хавфсизлиги ҳамда ички меҳнат тартиби қоидаларини.

Малака разряди учун оралиқ талаблар:

- юқори даражадаги мураккаб сувоқ ва шпаклёвка ишларини бажара олиш;
- лойиҳалаш ва рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш;
- меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик талабларига риоя қилиш. – Камида 4 йил

иш тажрибаси.

Баҳолаш мезонлари:

- ёзма ва амалий имтиҳон;
- реал объектда реставрация ёки мураккаб декоратив сувоқ ишини бажариш;
- иш натижаларининг портфолиоси;
- юқори даражадаги сувоқ ишларини бажара олиш бўйича малака ошириш сертификати (агар мавжуд бўлса).

**Ишчилар касбларининг тармоқ-тариф маълумотномаси ишлаб
чиқувчилар**

№	Ф.И.О.	Иш жойи ва лавозими
1		
2		
3		
4		
5		
6		
7		
8		
...		

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Миллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 30 сентябрдаги ПҚ-345-сон “Ўзбекистон Республикаси миллий малака тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 октябрдаги ПФ-158-сон “Қасбий таълимда малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва халқаро таълим дастурларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 17 июндаги ВМ-369-сон “Ўзбекистон Республикаси миллий малака тизимини тартибга солишга қаратилган айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори.

4. O'zMSt 641:2025 – Машғулотларнинг миллий классификатори (ММК-2025). – Ўзбекистон техник тартибга солиш агентлиги.

5. Миллий малака рамкаси (ММР) – Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ҳужжатлари асосида.

6. Қурилиш соҳасига оид Қурилиш меъёрлари ва қоидалари ва давлат стандартлари

II. Халқаро тажриба ва қиёсий манбалар

10. Россия Федерацияси. Единый тарифно-квалификационный справочник работ и профессий рабочих (ЕТКС).

11. Қозоғистон Республикаси. “ЕТКСни ишлаб чиқиш, қайта кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва қўллаш тартиби тўғрисида”ги Қоидалар. – Адилет ҳуқуқий ахборот портали. – <https://adilet.zan.kz>

12. European Commission. ESCO – European Skills, Competences, Qualifications and Occupations. – Brussels, 2022. – <https://esco.ec.europa.eu>

13. International Labour Organization (ILO). International Standard Classification of Occupations (ISCO-08). – Geneva, 2012. – <https://ilostat.ilo.org/resources/concepts-and-definitions/classification-occupation>

14. UNESCO; ETF. Guidelines for Developing and Implementing National Qualifications Frameworks. – Paris-Turin, 2017. – <https://unesdoc.unesco.org>

III. Услубий ва методик манбалар

16. Norton, R.E. DACUM Handbook – Developing a Curriculum. Ohio State University, Center on Education and Training for Employment, 2009. – <https://eric.ed.gov>

17. CEDEFOP. Designing and Developing Sectoral Qualifications Frameworks. – Luxembourg: Publications Office of the EU, 2019. – <https://www.cedefop.europa.eu>

18. OECD. Skills Strategy Implementation Guidance for Developing Countries. – Paris, 2020. – <https://www.oecd.org>

Қайдлар учун

[illegible]

Миллий малака тизимини
ривожлантириш институти

**ИШЧИ КАСБЛАРНИНГ ТАРМОҚ ТАРИФ-
МАЛАКА МАЪЛУМОТНОМАЛАРИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ БЎЙИЧА УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАР**

Алоқа



+99855-516-54-53



@ info@mmtri.uz



Умид кўчаси, 16-уй
100100, Тошкент шаҳри,
Ўзбекистон